



**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI**  
**FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRI O'RINBOSARINING**  
**FARMOYISHI**

199 -son

2022-yil “ 3 ” iyun

Toshkent shahri

**Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидаги хизматчи ходимлар  
билан меҳнат шартномасига қўшимча келишувларни  
кiritиш ва тузиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 12 январдаги ПҚ–81-сон қарори ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш тўғрисида” 2022 йил 19 январдаги 31-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида,

**ТАЛАБ ҚИЛАМАН:**

1. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидаги хизматчи ходимлар билан меҳнат шартномасига қўшимча келишув иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадрлар бошқармаси (полковник С.Югай), ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар бошлиқларига:

меҳнат шартномасига қўшимча келишув юзасидан барча хизматчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилсин ва улар билан меҳнат шартномасига қўшимча келишув тузилсин:

тузилган меҳнат шартномасига қўшимча келишувлар ҳар бир хизматчининг йиғма жилдида сақлансин:

**1 ой муддатда** ҳудудий бошқарма, уларнинг туман ва шаҳар бўлимлари, таркибий тузилмалар кесимида иловадаги рўйхат тўлдирилган ва имзоланган ҳолда вазирлик Шахсий хавфсизлик бошқармасига тақдим этилсин.

3. Ишлар бошқармаси (полковник Ф.Азизов) **бир кун муддатда** мазкур фармойишнинг электрон матни ҳудудий бошқармалар ҳамда таркибий тузилмаларга ҳимояланган “Е-хат” тизими орқали юборилсин ҳамда “Гермес” ахборот тизимига жойлаштирилсин;

фармойиш барча шахсий таркибга етказилсин.

4. Мазкур фармойиш талабларининг бажарилишини назорат қилиш Кадрлар бошқармаси бошлиғи полковник С.Югай зиммасига юклатилсин.

**Вазир ўринбосари**  
полковник

К.Абдижалилов

- сонли Меҳнат шартномасига қўшимча

## К Е Л И Ш У В

Тошкент шаҳри

20\_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_

1. Корхона (мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташкилот, муассаса, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари) Ўзбекистон Республикаси ФВВ \_\_\_\_\_ вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи \_\_\_\_\_ номидан, кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб аталади ва фуқаро (Ўзбекистон Республика фуқаролиги бўлмаган шахс ҳам бўлиши мумкин)

(фамилия, исми ва отасининг исми)

кейинги ўринларда «Ходим» деб аталади, меҳнат шартномасига қўшимча келишувни куйидагилар ҳақида туздик:

2. Ходим \_\_\_\_\_

(фамилия, исми, отасининг исми тўлиқ)

(корхона таркибий бўлинмаси, цех, бўлим, участка, лаборатория ва шу кабиларнинг номи)

касби бўйича \_\_\_\_\_

(ЯТММ бўйича касб, лавозимининг тўлиқ номи, разряд, малакали тоифали)

Муқаддам «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилда тузилган \_\_\_\_\_ –сонли меҳнат шартномасига мазкур меҳнат шартномаси билан қўшимча равишда куйидигалар ҳақида келишдилар:

3. Ходим ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупциявий ҳагги-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида:

**ўз ваколатларини сунистеъмол қилмаслик;**

**ваъда бермаслик;**

**ноқонуний пул тўламаслик, товламачилик ва таъмагирлик қилмаслик;**

**бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик;**

**пора олмаслик, пора таклиф қилмаслик ёки восентачилиқ қилмаслик;**

**бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон-бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик;**

**қимматбаҳо совға, мол-мулк ёки мулкний ҳуқуқларни олмаслик;**

**яқин қариндоши бўлмаган чет эл фуқаролари билан муносабга киришмаслик ёки рухсатсиз хорижий давлатларга чиқмаслик мажбуриятини олади.**

4. Ходим атрофдаги шахслар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш ёки унда қатнашишга тийёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳулқ-атвордан ўзини тийиниш шарт.

5. Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ички ҳужжатларига мувофиқ **манфаатлар тўқнашуви** келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан **дарҳол** иш берувчини ёки унинг ўрнини босадиган шахсларни **хабардор қилиши шарт.**

6. Ходимлар орасида шахсий ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, хизмат мажбуриятларидан четга чиққан ҳолда бошқа ходимларнинг профессионал иш фаолиятига аралashiш, маълумот сўраш ҳамда қарор қабул қилишига таъсир кўрсатиш ҳолатлари юзага келганда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг буйруқ ва ички ҳужжатларига мувофиқ *дарҳол қуйидаги алоқа каналлари орқали:*

*Ишонч телефони:* қисқа 11-01, 95-772-10-50

*Телеграм канали:* @AntikorFVV\_bot

*Веб сайт:* www.fvv.uz

*Электрон манзили:* [info@fvv.uz](mailto:info@fvv.uz) хабар қилиши лозим.

7. Агар ходим Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ва содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги **фактларни аниқласа**, у ушбу маълумотни **алоқа каналлари орқали** вазирликнинг Коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган бўлим ёки шахсга **тақдим этиши шарт**.

8. Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ички ҳужжатларида назарда тутилган коррупцияга қарши **талабларни бузган тақдирда**, қонун ҳужжатларига мувофиқ **жавобгарликка тортилади**.

**Томонларнинг манзиллари ва имзолари:**

**Ходим:**

**Иш берувчи:**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
Манзили \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(сана, имзо)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
Манзили \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(сана, имзо, муҳр)

Келишувнинг нусхасини олдим: \_\_\_\_\_ 2022 йил «\_\_\_»

Шакл-1

\_\_\_\_\_ вилояти ФВБ хизматчи ходимлар билан **меҳнат шартномасига қўшимча келишув** тузилганлиги тўғрисидаги рўйхат

Т/Р	Ф.И.Ш	Лавозими	меҳнат шартномасига қўшимча келишув тузилган <i>(кейинги қаторларда ходим томонидан ёзилши лозим)</i>	Ходим имзоси	Кадрлар бўлими ходими имзоси
1	Турсунов Алишер Қодирович	Бошқарма молия бўлими мутахассиси	меҳнат шартномасига қўшимча келишув тузилди	имзо	имзо
2					

Шакл-2

\_\_\_\_\_ вилояти ФВБ \_\_\_\_\_ тумани ФВБ хизматчи ходимлар билан **меҳнат шартномасига қўшимча келишув** тузилганлиги тўғрисидаги рўйхат

Т/Р	Ф.И.Ш	Лавозими	меҳнат шартномасига қўшимча келишув тузилган <i>(кейинги қаторларда ходим томонидан ёзилши лозим)</i>	Ходим имзоси	Кадрлар бўлими ходими имзоси
1	Турсунов Алишер Қодирович	қутқарувчи	меҳнат шартномасига қўшимча келишув тузилди	имзо	имзо
2					

Шакл-3

Фавкуллода вазиятлар вазирлиги Академияси хизматчи ходимлар билан **меҳнат шартномасига қўшимча келишув** тузилганлиги тўғрисидаги рўйхат

Т/Р	Ф.И.Ш	Лавозими	меҳнат шартномасига қўшимча келишув тузилган <i>(кейинги қаторларда ходим томонидан ёзилши лозим)</i>	Ходим имзоси	Кадрлар бўлими ходими имзоси
1	Турсунов Алишер Қодирович	Кафедра катта ўқитувчиси	меҳнат шартномасига қўшимча келишув тузилди	имзо	имзо
2					